

АСПЕКТУАЛ СЕМАНТИКА ТАВСИФИ

Мирсанов Ғ.Қ. ¹

Аннотация:

Мазкур мақолада аспектүал семантикани тасвирлашнинг замонавий лингвистик ёндашувлари таҳлил қилинади. Аспектүаллик майдони морфологик, синтактик, лексик-грамматик, лексик ва уларнинг бирикмалари орқали намоён бўладиган тизим сифатида қаралади. Муаллиф феълларнинг темпорал бирликлар билан ўзаро боғланиши ва бу жараёнда замон ва аспект категорияларининг ролини кўрсатиб ўтади. Мақолада Р. Деклерк, М. Биттенер, В. Эванс ва М. Гриин каби олимларнинг назарий қарашлари асосида феъл семантикаси, аспектүал ва темпорал категорияларнинг дискурста ифодаланиши, шунингдек, нарратив конструкцияларда перфектив ва имперфективликнинг ўрни ёритилади. Шу билан бирга, семантик ва концептуал таркиблар, номинатив ва релятив предикациялар, когнитив ёндашувлар орқали тил бирликларининг вақт ва аспект муносабатларидаги ўрни таҳлил қилинади. Мақола хулосасида тил бирликларининг лексик-семантик, прагматик ва миллий-маданий хусусиятларини ўрганиш муҳимлиги таъкидланади.

Калит сўзлар: аспектүаллик, семантика, феъл, темпораллик, предикация, дискурс, нарратив, перфективлик, имперфективлик, когнитив лингвистика

Аспектүаллик майдони “ўзаро таъсир қилувчи тил воситалари” (Плунгян В.А. М., 2009) (морфологик, синтактик, сўз ясовчи, лексик-грамматик, лексик ва уларнинг турли бирикмалари), шунингдек, аспектүал муносабатларнинг турли соҳаларига мансуб бўлган умумий семантик функциялари билан боғлиқдир. Аспектүал маъноларнинг функционал-семантик майдонда ифодаланишида темпорал бирликлар ҳам муҳим ўрин тутди. Феълларнинг темпорал бирликлар билан мослашиш жиҳатларини таҳлил этган Р. Деклерк замон назариясининг тўртта турли параметрларини келтиради: 1) вақт ифодаси; 2) вазият вақти; 3) референция вақти; 4) йўналиш вақти. Шулардан биринчиси фақатгина онийлик (лаҳзалик) маъносини кўрсатса, қолганлари эса оний ҳаракат ва дуратив маъноларга нисбатан қўлланилади (Declerck R., 1991 –Р 64-305.). Феъл ва темпорал бирликларнинг мослашиши, ўз навбатида аспектүал маъноларга ҳам таъсир этади. Бу ҳақда М. Биттенер қуйидагича фикр юритади: “Темпорал маълумотни ҳодиса структураларининг маъно хусусиятларидан ажратиб бўлмайди. Ҳодисалар (маълум бир маънодаги ҳолатнинг иккинчисига ўтиши) ва эпизодлар (ҳодисаларнинг маъноли тақсимланиши) вақт ифодаланиш хусусияти билан боғлиқ темпорал таркибга эга (Bittner M., 2007. pp. 349–385.). Мазкур структурлар вақтнинг жараёнида содир этиладиган аспектүал ҳодисаларнинг намоишини очиб бериш учун ҳам хизмат қилади.

Вербоцентрик нуқтаи назардан феъллар ўзларида мужассам бўлган маънолар ва шунингдек ҳодиса, жараён, ҳаракат, ҳолатда қатнашадиган предметлар тўғрисидаги тасаввурларни қамраб олади.

Феъл семантикаси тадқиқининг барча аспектларига бир хил ёндашувда бўлиб келинмоқда. Жумладан, феълларнинг семантик компонент таркибини прототип маъноларига жиддий тарзда эътибор қаратилган эмас.

Аспектүал қарама-қаршилик дискурста, асосан нарратив конструкцияларда муҳим ўрин тутди. Матнда берилган турли ҳаракатлар ва хронологик алоқалар таҳлили перфектив ва имперфективликнинг танловига ўз таъсирини ўтказади. Масалан:

(40) Kewell runs across the field and passes the ball. Cahill scores.

Келтирилган мисоллардаги феълларнинг барчаси перфектив маънога эга бўлиб, воқеа/ҳодисаларнинг мослашувини кўрсатади. Турли ҳаракатлар кетма-кетликда содир этилган. Содир этилаётган жараёнларни тасвирлаётган феъл маъноларининг фарқланиши темпорал тартибни фарқланишига ҳам сабаб бўлган. Имперфектив феъллар ҳаракатларнинг бир вақтда содир этилишини билдиради. Масалан:

(42) Cahill was scoring, Kewell was running and Kennedy was fixing his boot.³¹⁶

Аспект замондан фарқли ўлароқ нутқ вазиятини боғловчи ташқи дейктик боғловчига боғлиқ эмас. У фақатгина воқеа/ҳодисанинг ички темпорал хусусиятига рефрент вазифасини ўтайди (Riemer N., 2010; 317).

¹ Мирсанов Ғ.Қ., Филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти

Семантик таркиб ва концептуал таркиб- семантик таркиб синтактик бирикмалар (лисоний бирликлар маъно нуқтаи назаридан қаралади) орқали юзага келадиган семантик маънога қаратилса, концептуал таркибда ҳақиқий оламнинг тилда акс этишини таҳлили кўзда тутилади. Масалан: you are always falling of the ladder

You are always falling behind

В Эвинс ва М. Гринларнинг қарашларича категориялар концептуал асосга эга. Муаллифларнинг ўзига хос моделларига кўра лингвистик иборалар иккита катта категорияни ташкил этади: номинатив предикация ва релятив предикация. Бир тарафлама бу каби фарқлаш от ёки отли ибораларда кодлашган маъноларининг схематик табиатига алоқадор бўлса, иккинчи тарафдан, лексик синфлар деб аталувчи феъллар, сифатлар, предлог ва бошқаларининг маъно хусусиятларида акс этади (Evans V., Green M., 2006; 534).

“Предикация” атамаси маъно билан алоқадор бўлиб, бирликнинг семантик хусусиятига тегишли саналади. В. Эвинснинг келтиришича, номинатив предикация концептуал нуқтаи назарда қарам объектлар ҳисобланади. Мисол учун bed ёки slipper мустақил концептуал бирликка тегишли саналасада, релятив предикацияда улар концептуал қарамликка дуч келади. Ушбу жараёнга кўра, уларнинг маъно-мазмунини тўлдирилиши бошқа бирликлар билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам, улар табиатдан релятив саналади. Масалан George hid the slipper under the bed гапида hid феъли концептуал қарам бўлган GEORGE, SLIPPER ва BED ўртасида ҳаракат алоқадорлигини ўрнатган бўлса, under предлоги SLIPPER ва BED бирликлари ўртасида макон билан алоқадорлик маъносини юзага келтирган (Evans V., Green M., 2006; 534).

Демак, номинатив предикация шахслар ва объектларни алоҳида бирлик сифатида тасвирласа, релятив предикация ушбу объектлар ва шахслар ўртасидаги муносабатни тасвирлаш учун хизмат қиладиган тушунча деб қараш мумкин. ВАҚТнинг когнитив ифодасида мўлжалланган вақт концептуаллашувнинг объекти сифатида қаралади,

Предикацияни ҳам иккита кичик категорияга ажратади: темпорал ва атемпорал алоқа. Темпорал алоқага феъл билан кодлашган жараёнлар тегишли. Атемпорал категория ўз ичига предлоглар, сифатлар, равишлар ҳамда феълнинг шахсиз шакллари қамраб олади. Темпорал ва атемпорал алоқалардаги вақт фарқланишини назардаги (тасаввурдаги) вақт (conceived time) ва жараён вақти (processing time) турларини фарқлайди. “Жараёндаги вақт” тури аниқ вақт билан алоқадор бўлган когнитив жараён сифатида вақтнинг амал қилишини талаб этади. Назардаги вақт тури вақтнинг когнитив намоишига таълуқли бўлиб, концептуаллашув объекти сифатида ифодаланади, яъни концептуаллашувнинг маркази (medium) деб тушунилади.

Феъллар, аргументлар, темпорал модефикаторлар концептуал хусусият сифатида тасвирланади. Бу каби ёндашувлар Лэнгакернинг фундаментал ишларига асосланилди, аммо мантикий нуқтаи назардан ҳодиса структураси (event structure) ва композиционаллик қўшимча специфик жиҳатларни ҳам қамраб олди. Шуниси маълумки, аспект борасидаги мулоҳазалар семантик фарқларни аниқ тушинишни талаб этади.

Маълум бир жанрни тушиниш ва таҳлил қилиш учун қатнашадиган тил бирликларининг алоҳида лексик-семантик маъноларини аниқлашдан ташқари прагматик омиллар, миллий-маданий хусусиятлар ва шунингдек, когнитив жиҳатлар ҳам эътибордан четда қолмаслиги муҳим саналади. Келтириб ўтилган лисоний тушинчалар темпорал ва аспектual категорияларини батафсил таҳлилида ас қотиши мумкин.

Вақт тушунчаси лингвистикада замон, аспектualлик ва воқеа/ҳодисаларнинг темпорал мослашувни доирасида талқин қилинади.

Нарратив воқеа/ҳодисаларни ўзбек тилида ифодаланишида предикатлардаги феълларнинг шахсли ва шунингдек, замон шакллари муҳим ўрин тутди. Воқеа/ҳодисаларнинг нарратив предикациядаги узвийлиги равишдош шакли таъсирида ҳам ифодаланиш хусусиятига эга.

Аспектual таркибда иштирок этадиган предикатлар равишдош шаклида бирикади ва мазкур ҳолларда вазиятларнинг кетма-кетлиги, бир вазиятдан иккинчи вазиятга ўтиш каби маънолар юзага келади, яъни содир этилаётган воқеа/ҳодисалар ўзидан олдингиси билан нафақат вақт нуқтаи назаридан, балки семантик мослашувни ҳам юзага келтиради.

Адабиётлар:

- [1]. Плунон В.А. Введение в грамматическую семантику. М., 2009. 206 с.
- [2]. Declerck R. Tense in English: its Structure and Use in Discourse. London 1991 –P 64-305.
- [3]. Bittner M. Aspectual universals of temporal anaphora. S. Rothstein, ed. (2007). Theoretical and Crosslinguistic Approaches to the Semantics of Aspect. John Benjamins, Amsterdam. Chap. 11, 2007. pp. 349–385.

- [4]. Evans V., Green M. *COGNITIVE LINGUISTICS. AN INTRODUCTION*. Edinburgh University Press Ltd, 2006.-829p. 534
- [5]. Nick Riemer. *Introducing Semantics*. Cambridge University Press. 2010. 478p.